


# Ўзбекистон АДАБИЁТИ ва САНЪАТИ

ÖZBEKISTON ADABIYOTI VA SAN'ATI

1999 йил

ҲАФТАЛИК ГАЗЕТА

1956 йил 4 январдан нашр этила бошлаган

● 16 апрел, №16 (3503) ●


## ЎЗБЕКИСТОН ЯНГИ АСРДА

Инсон балоғатга етгунча неча-неча палаларни босиб ўтади. Жамият ҳам шундай. У ўз олдига қўйган мақсадлари сари интилар экан, одамлар каби тараққиётнинг қатор босқичларини ортда қолдиради, тобора етилиб, пишиб, тўлишиб боради. Бир босқичда эришган ютуқлари иккинчи босқич зафарларига асос бўлади. Йўл — йўлакай камчиликларини тузатиб, хато ва янглишишлардан тўғри хулосалар чиқариб олдинга интилаверади.

Машҳур адиб Чингиз Айтматов «инсон ҳаётида шундай пайт келадики, эришилган барча ютуқлардан ҳатлаб ўтиб, оддий арифметикадан алгебрага, сўнг эса олий математикага ўтишга тўғри келади» деган эди. Бунда, муҳими, анашу ўтиш пайти келганлигини аниқ чамалаш ва бир ҳолатдан иккинчи ҳолатга ихтиёрий равишда ўтиш ғоят муҳимдир. Бу нарсани жамият ҳаётига ҳам қиёслаш мумкин. Эволюцион тараққиёт йўлини танлаган ҳар қандай жамият ислоҳотлар йўлидан изчиллик билан олдинга қараб борар экан, умумий муваффақиятни таъминловчи босқичма-босқичлик тамойилига қатъий амал қилиши керак. Яъни, аввал бошда қўйилган умумий вазифалар бажарила боргани сари кейин-кейин аниқ ва конкрет дастурлар кун тартибига чиқади.

Президент Ислом Каримовнинг Олий Мажлиснинг ўн тўртинчи сессиясидаги дастурий маърузасида айни манашу ҳолатларни аниқ кўриш мумкин. Мамлакат ижтимоий — сиёсий ҳаётида муҳим воқеа даражасидаги бу ҳужжатда мустақилликнинг дастлабки саккиз йили ичида эришилган ютуқлар жуда теран таҳлил этилди. Президент мамлакатимизнинг мустақиллик арафасидаги ижтимоий-сиёсий, маънавий-ахлоқий ҳолатини, Шўролар давридан бизга қандай мерос қолганлигини, ютуқларимизнинг машаққатли ва азобли йўлларини яна бир бор тушунтириб берди. Ўтиш даврининг асосий якунларига тўхталар экан, уларнинг ҳар бири одамларнинг мустақиллик ғояларига садоқати, ҳамжиҳатлиги, мамлакатда кечаётган тинчлик, барқарорлик туфайли қўлга киритилганлигини алоҳида укдириб ўтди. Энг асосий якун — бу дунё харитасида Ўзбекистон деб номланувчи янги, ўзига хос давлатнинг пайдо бўлиши, унинг жаҳон ҳамжамияти томонидан якдиллик билан тан олинишидир. Лекин, пайдо бўлиш ва тан олинишдан ҳам муҳимроқ бир ҳолат борки, бу янгидан пайдо бўлаётган у ёки бу давлатнинг ўз кучларига таянган ҳолда оёққа туриши, дунёдаги нуфузли давлатлар қаторидан муносиб ўрин эгаллаши, сиёсатда, иқтисодда, маънавиятда, ҳамкорлик алоқаларида дунёвий ИШОНЧГА сазовор бўлишидир. Дунё эътироф этган, аммо юқоридаги каби ишончга сазовор бўла олмай ривожланишнинг давлатлараро рақобатли мусобақаси йўлларида ҳансираб қолган не-не давлатларни биламиз. Ўзбекистон қисқа давр ичида ўзи танлаган йўли, ўз тамойиллари, ўзбекона модели, миллий-ахлоқий қадриятлари билан жаҳон эътиборини қозона олди. Дунёда Ўзбекистон тўғрисида ишончли тасаввур туғилди. Ўзбекистонга қизиқиш кучайди.

Бу ютуқлар ҳақида жуда кўп гапириш мумкин. Унча-мунча ютуққа парво қилмайдиган, унча-мунча натижадан ҳайратга тушмайдиган жаҳоний мутасаддиларнинг буюк эътирофларини кўплаб келтирса бўлади. Лекин, Президент бугун масалани тамомила бошқача қўймоқда — биз бугун янги Аср арафасида турибмиз. Инсоният тарихининг янги Минг йиллиги бошланмоқда. Биз уни қандай қарши оламиз? Янги асрга қандай ниятлар, мақсад ва тамойиллар билан кириб борамиз? Янги Асрда Ўзбекистоннинг дунёдаги, минтақадаги нуфузи қандай бўлади? Одамлар қандай ҳаёт кечирадилар, уларнинг фароғатли турмушлари қандай таъминланади? Мустақилликдан бери орадан саккиз йил ўтган бўлса-да мамлакат ташқарисидаги тажовузкор ва ақидапараст кучлар тишларини қайраб турган, хато қилишимизни кутиб турган, ёшларимиз онгини заҳарлашга, уларни тўғри йўлдан чалғитишга жон-жаҳдлари билан уриниб турган ва бу йўлда ҳар қандай ёвузликдан ҳам қайтмай турган бир пайтда бизнинг бу ҳолатларга жавобимиз, огоҳлигимиз қандай бўлади?

Феврал воқеалари, гарчи истиқлол ғоялари халқимизнинг қон-қонига сингиб кетганлигини, «ўз тақдирини ўз қўлига олган, эркинлик ва мустақиллик ҳавосидан бир бора кўксини тўлдириб нафас олган, танланган тараққиёт ва фаровонлик йўлининг тўғрилигига ишонч ҳосил қилган ҳар қайси одам ва бутун бир халқ ҳеч қачон ўз эътиқодидан қайтмаслигини» яққол кўрсатган бўлса-да, хотиржамликка, бепарво бўлишга ҳақлимизми? Бундай ҳолатлар такрорланмаслиги, ёш авлод ақидапарастларнинг мойли тузоқларига яна илиниб қолмаслиги учун нима иш қилишимиз керак? Мамлакатнинг, миллатнинг тақдирини белгилайдиган ёшлар билан ишлашда, кадрларни танлаш ва тарбиялашда қай жиҳатларга эътибор бермоқ зарур?

Дастурий маърузада мана шу саволларнинг деярли барчасига аниқ-равшан жавоб берилган. Ҳар бир соҳанинг, ҳар бир кишининг вазифалари конкрет кўрсатилган. XXI асрнинг арафаси ва унинг дастлабки йилларида мамлакатимизнинг ривожланиш стратегияси, ислоҳотларни чуқурлаштириш ва жамиятни янгилаш борасидаги фаолиятимизнинг мазмун-моҳияти бешта устивор йўналишларда очиб берилган.

**Биринчи устивор йўналиш — мамлакат сиёсий ва иқтисодий ҳаётини, давлат ва жамият қурилишини янада эркинлаштириш.** Президентнинг фикрича, бу борадаги асосий вазифалар аҳолининг сиёсий фаоллигини кучайтириш, жамиятда манфаатлар ва қарама-қарши кучлар ўртасида мувозанатни таъминлайдиган кучли механизмларни шакллантиришдан иборат. «Демократиянинг энг муҳим тамойили — одамларнинг сайлов ҳуқуқини, ўз хохиш-иродасини эркин ифодалаш, ўз манфаатларини рўёбга чиқариш ва ҳимоя қилиш ҳуқуқини таъминлаш учун ҳақиқий шарт-шароит, қонуний — ҳуқуқий замин яратиб бериш лозим».

**Иккинчи устивор йўналиш — жамият маънавиятини янада юксалтиришдан иборат.** Бу соҳадаги вазифа ўз ҳақ-ҳуқуқларини танийдиган, фуқаролик бурчини виждонан адо этадиган, атрофида содир бўлаётган воқеа — ҳодисаларга нисбатан ўзининг мустақил фикрини баён эта оладиган, айни замонда ўзининг шахсий манфаатларини мамлакат ва халқ манфаатлари билан уйғун ҳолда кўра оладиган инсонларни тарбиялашдан иборат. «Барчамиз яхши англаб етишимиз керакки, — деб таъкидлади Президент, — ҳаётимизнинг барча соҳаларидаги аҳвол, амалга оширилаётган ислоҳотларимизнинг самарадорлиги аввало халқ маънавиятининг тикланиши, бой тарихий меросимизнинг кенг ўрганилиши, анъаналаримизнинг сақланиши, маданият ва санъат, фан ва таълим ривожи билан узвий боғлиқдир».

**Учинчи устивор йўналиш — кадрлар масаласи.** Юртбошимиз деярли барча маърузаларида, дастурий асарларида бу масалага алоҳида эътибор беради. Негаки, ҳар қандай вазифанинг ижобий ҳал этилиши энг аввало кадрларга, уларнинг савиясига, янги даврнинг янги вазифаларини бажаришга нечоғли қодир эканликларига боғлиқ. Миллат ривожланиш ва тараққиёт йўлини тутар экан, шубҳасиз, эртага, ундан кейин бошқарув тизимига келадиган кадрлар, уларнинг маҳорати ва маънавияти тўғрисида ўйлаши керак.

**Тўртинчи устивор йўналиш — халқ турмуш даражасининг изчил ва барқарор ўсиши, аҳолини янада кучли ижтимоий ҳимоя қилиш.** Бу вазифа мустақилликнинг дастлабки кунларидаёқ кун тартибига расман қўйилганлиги маълум. Маърузада бу борадаги мақсадлар аниқ-равшан ифодалаб берилди: «Мамлакатимизда вужудга келаётган макроиқтисодий вазиятга ҳамда иқтисодиётнинг амалда юксалишига асосланиб, биз, энг аввало, ҳозир яқин беш йил ичида иш ҳақининг энг кам миқдорини 3,5 баравар оширишни ўз олдимизга вазифа қилиб қўйишга ҳақлимиз. Иш ҳақи энг кам миқдорининг бундай оширилиши иқтисодий юксалишнинг бошқа омиллари билан қўшилиб, шу даврда аҳоли жон бошига тўғри келадиган ўртача даромадни 1,8 — 2,0 баравар оширишга имкон беради».

**Бешинчи устивор йўналиш — жамиятдаги барқарорлик, тинчлик, миллатлар ва фуқаролараро тотувликни, сарҳадларимиз даҳлсизлигини, мамлакатимиз ҳудудий яхлитлигини таъминлашдан иборат.** Бу вазифа мустақиллик йилларининг беистисно ҳар бир кунида, ҳар бир ойи ва йилида муҳим аҳамият касб этгани, бугун эса — мамлакатимиз, халқимиз феврал воқеаларидан омонлик, якдиллик билан ўтиб олганидан кейин янада аҳамиятлироқ бўлиб тургани сир эмас. Тинчлик, тотувлик бор жойда қут-барака бўлади, одамлар эмин-эркин яшайдилар, ўз меҳнатлари самараларидан баҳраманд бўладилар.

Маърузада жамият тараққиётини таъминловчи муҳим демократик омиллардан бири сифатида оммавий ахборот воситалари фаолиятига, улар олдида турган муҳим вазифаларга катта ўрин берилди. Президент маърузалари ва асарларида янги жамиятга янги одамлар, янгича фикрлайдиган янги кадрлар зарурлиги такрор-такрор укдирилади. Ана шу янгича фикрни юзага келтиришда, одамларни мустақил фикрлашга ўргатишда матбуотнинг роли беқиёсдир. Матбуот тўртинчи ҳокимият сифатида ўз сўзи билан жамоатчилик фикрини шакллантиради, бу фикрнинг ижтимоий аҳамият касб этишини таъминлайди.

Бугунги кунда республикамиз оммавий ахборот воситалари ўзининг мана шу янги мақомидан келиб чиққан ҳолда фаолият кўрсатмоқдалар. Газета ва журналларнинг сони кун сайин кўпайиб бормоқда. Улар олдига қўйилаётган талаб ва вазифа шуки — матбуот ҳар бир кишининг ўз фикрини эркин ифодалай оладиган минбарга айланиши керак, айни пайтда, у жамиятимизнинг демократик қадриятларини ва тушунчаларини ҳимоя қилиши, одамларнинг сиёсий, ҳуқуқий ва иқтисодий онгини шакллантириш бўйича фаол иш олиб бориши лозим. Бунинг учун эса энг аввало Матбуотнинг сўзи асосли, теран таҳлилли, таъсирчан бўлиши зарур. Ҳамма соҳада бўлганидек, Матбуотда ҳам сон эмас сифат бирламчидир. Қуруқ баёнбозлик, факт ва рақамларни қалаштириб ташлаш, ёхуд оддий янгиликларни ҳам фавқулодда ҳодиса даражасига кўтариб мақташдан фойда йўқ. Матбуот воқеа-ҳодисалар ривожини аввалроқ кўриши, идрок этиши, таҳлил қилиб бериши ҳамиша зарур. Айни пайтда, газета ва журналлар матбуот сўзига бефарқ қараётган, танқидга чидамай ўзини ҳар ёққа ураётган, таҳририятга тазйиқ ўтказишга уринаётганларга ҳам бефарқ бўлмаслиги керак. Танқидий чиқишларга калондимоғлик билан ёзилган юзаки жавобларни, матбуот ходимларини чалғитишга уриниш ҳолларини беаёв ошкор қилиш ҳам бизнинг бирламчи бурчимиздир.

Юртбошимизнинг «Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда» дастурий маърузасини касби ва лавозимидан қатъи назар, ҳар бир киши, ҳар бир фуқаро чуқур ўрганиб чиқиши, ўзининг бундан кейинги фаолиятини шу ҳужжатда қўйилган вазифалар билан уйғунлаштириши зарур.

**Ахмаджон МЕЛИБОЕВ**

*ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ*

## МУРОД МУҲАММАД ДЎСТни «МЕҲНАТ ШУҲРАТИ» ОРДЕНИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбек адабиёти ва маданияти ривожига қўшган ҳиссаси, миллий мафкура, янгича тафаккурни шакллантиришдаги хизматлари, ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий ислоҳотлар жараёнидаги фаол иштироки учун Мурод Муҳаммад Дўст «Меҳнат шуҳрати» ордени билан мукофотлансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри
1999 йил, 12 апрел.

## *ВАТАН УЛУҒ, ВАТАН МУҚАДДАС*

***Ватанга муҳаббат туйғуси — Ватан ифтихори жўш урган юраклар билан ул Ватан янада обод ва фаровондир.***

***Шу маънода Ватаннинг қадр-қиммати, келажаги ўша ерда яшаётган халқнинг ўз ватанларига қай даражада муносабатда бўлиши билан белгиланади.***

***Гулжаҳон аяни олтмиш учда — пайғамбар ёшида қўлига қалам олиб, кўнглини изҳор этишга ундаган туйғу ҳам — Ватанга муҳаббатдир.***

***Ватанимизда ана шу муборак туйғу боқий бўлсин!***

**Гулжаҳон АБДУРАҲМОНОВА**

### ВАТАН

***Боғлаганда белбоғ етмас белига,***
***Мингта арслон тенг келмас бир қўлига,***
***Баланд тоғлар ғов бўлолмас йўлига —***
***Гўрўғлибек, Алпомишлар юрти бу.***

***Юзлари нуридан қуёш қамашар,***
***Кўзларидан юлдузлар уялишар,***
***Бўйи бирла сочлари бўй талашар —***
***Кунсулувлар, Ойбарчинлар юрти бу.***

***Ҳарби бирла жаҳонга донғи кетган,***
***Зарби бирла ер юзини забт этган,***
***Пойқадами осмонларга ҳам етган —***
***Темурийлар, Улуғбеклар юрти бу.***

***Мустақиллик чечагини ундирган,***
***Етмиш йиллик истибдодни синдирган,***
***Юрт бошига ҳумо қушин қўндирган —***
***«Юртим!» — деган юртбошининг юрти бу.***

***Бу дунёдан ҳеч армонсиз ўтарман —***
***Тупроғига гулдайин экиларман...***
***Ҳар баҳорда минг бора очиларман,***
***Ҳеч сўлмасман, Гулжаҳонлар юрти бу.***



*Чаман ичинда бир гул* *Т. МАҲКАМОВ суратга олган*

## ОЙБЕКНИНГ КУМУШ МЕДАЛИ

Япониянинг Каначава вилояти Иокогана шаҳридан Ўзбекистон Бадиий академиясига хушхабар келди. Республика тасвирий ва амалий санъат лицей-интернатининг 7-синф ўқувчиси Ойбек Исломов шу шаҳарда ташкил қилинган халқаро кўргазмада «Бизнинг ҳовлида сумалак» асари учун кумуш медалга сазовор бўлди.



Шу йилнинг май ойидан октябр ойига қадар Каначава вилояти, шунингдек, Япониянинг бошқа шаҳар ва вилоятларида очиладиган кўпгина кўргазмаларда ғолиб чиққан турли мамлакатларнинг иқтидорли болалари асарлари қаторида Ойбекнинг ишлари ҳам намойиш этилади. Япония Халқаро секторининг директори Коджи Чикаучи Ойбек Исломовга хат йўллаб, уни кумуш медал билан табриклар экан, шу йилнинг апрел-май ойларида ёш рассомга сертификат ва диплом юборишларини билдирган.

Шуни айтиш керакки, Ойбек бундай муваффақиятга бирданига эришгани йўқ. У бунгача республикамиз ва ундан ташқарида ўтказилган катта-катта кўргазмаларда қатнашди. Хусусан, 1997 йили Швейцариянинг Лозанна шаҳрида ўтган «Олимпия ўйинлари болалар нигоҳида» номли кўргазмада қатнашиб, халқаро Олимпия қўмитасининг сертификати ва махсус совринини олишга муяссар бўлганди. Шунингдек, Япония ва Ҳиндистон болалари ҳаётига оид туркум асарлари учун Республика Бадиий академиясининг «XXI аср мусаввири» дипломи билан тақдирланди. Ойбек Ўзбекистон Республикаси Истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлаш «Улуғбек» жамғармаси кенгашининг аъзосидир. Ойбек Исломов эндигина 14 ёшга кирди. Буюк аждодлари Камолиддин Беҳзод, Қосим Али, Абдулло каби мусаввирлар анъанасини давом эттираётган бу ёш рассом ўз асарлари билан санъатимизни дунё бўйлаб парвоз қилдиради, деган умиддамиз.

**Шарофатхон ҚАМБАРОВА, санъатшунослик номзоди**

## РАҚС САНЪАТИ ФИДОЙИСИ

Аброр Ҳидоятов номидаги драма театрида ўзбек миллий рақс санъатининг фидойиларидан бири, «Ўзбекрақс» бирлашмаси қошидаги «Лазги» вокал ва хореография ансамблининг бош балетмейстери Зуҳра Ғиёсованинг ижодий кечаси бўлди. Кечада рақкоса саҳналаштирган «Хива гўзали», «Келин келди», «Ўғилжон», «Оҳуполвон», «Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам» достонидан «Қизлар рақси» каби гўзал рақслар ижро этилди.

**Ф. ЖУМАЕВА**

## БАҲОРНИНГ ИЛК ХИРМОНИ

Чингиз Айтматовнинг «Алвидо, Гулсари» асарида чўпонларнинг ҳаёти мукаммал тасвирланган. Қиш-қировли кунларда, аёз авжига чиққанда, эрта баҳорда — ёмғир аралаш қор уриб турганда чўпоннинг тинчи бўлмайди. Қўзилаш мавсуми бошланганда эса мижжа қоқмай тунни тонгга улашга тўғри келади. Лекин, чўпон-чўлиқлик дегани нуқул ташвишдан иборат эмас. Бу касбнинг ҳам бетакрор онлари, ўзига хос гашти борки, чўпон таёғи авлодлардан авлодларга ўтади, аммо ерда қолмайди. Кенг, тароватли яйловлар бағрида сурув боқиш, қилаётган меҳнатинг натижаларини кўриб туриш завқига не етсин?!

Оҳангарон туманидаги Алишер Навоий номи билан аталувчи давлат хўжалиги чорвадорлари бу йил белни маҳкам боғлаган эдилар. Ёшлар устозлардан ўрганиб, кекса чўпонлар қўлларидан таёқларини олган ўринбосарларига ўз тажрибаларини ўргатиб, яхши ниятлар қилишди. Натижа ёмон бўлмади. Шу кунларда улар қўзилатиш мавсумини муваффақиятли якунладилар, режалар ортиғи билан бажарилди.

Баҳор бошидаги бу дастлабки ғалаба хўжалик меҳнаткашларини янада руҳлантириб юборди. Хўжалик раҳбари Муҳиддин Бобохўжаев чорвадорларни йиғиб, уларни самимий қутлади, энг яхши натижаларга эришган чорвадорларга қимматбаҳо совға-саломлар улашилди. Устоз мураббийлар ҳам эътибордан четда қолмади.

— Бу йилги режаларимиз жуда катта, — дейди М. Бобохўжаев, — минг гектар майдонга ғалла экканмиз. Ҳозиргача икки марта суғориб, ўғитладик. Ҳосилнинг чўғи чакки эмас. Биз кейинги пайтларда хўжалик аъзоларини моддий рағбатлантиришга алоҳида эътибор бераяпмиз. Яхши ишлаган одам — чорвадорми, ғаллакорми, марҳамат, ўз меҳнати самараларидан баҳраманд бўлсин. Ишнинг унуми қанча юқори бўлса, шахсий даромади ҳам шунча баланд бўлишини англаб етсин.

Чўпонларнинг баҳорги ғалабасига бағишлаб бу ерда бўлиб ўтган кўпкари мусобақасида чавандозлар ўз маҳоратларини намойиш этдилар, оқсоқоллар юртимиз тинчлиги, элимиз бойлигини тилаб юзларига фотиҳа тортдилар.

**Ўз ахборотимиз**

## «ЎзАС» АХБОРОТИ

Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги Халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар Республика илмий-услубият маркази, «Ўзбектеатр» ижодий-ишлаб чиқариш бирлашмаси ҳамкорликда 13-16 апрел кунлари Ҳаваскор халқ театрлари бадиий раҳбари ва режиссёрлари малакасини ошириш ўқув-семинарини ўтказдилар.

Тадбир 13 апрел куни Аброр Ҳидоятов номидаги драма театрида очилди. Унда Маданият ишлари вазирининг ўринбосари М. Абдуқундузов қисқача маъруза қилди. Шундан сўнг ўқув-семинар қатнашчилари театр бош режиссёри Баҳодир Йўлдошев саҳналаштираётган Рамз Бобожон асари асосидаги «Тоға-жиянлар» спектакли тайёргарлигини кузатдилар. Шундан сўнг режиссёр ва театр мутахассислари иштирокида давра суҳбати ўтказилди.

Ўқув-семинарнинг бошқа кунлари ҳам қизиқарли ўтди. Халқ артисти Шуҳрат Аббосов, Ўзбекистон халқ артисти Лола Хўжаева, рассом Бахтиёр Тўраев, Суръат Жалилов, Арсен Исмоилов, Бахтиёр Сайфуллаев каби санъат намояндалари билан бўлган мулоқотлар тадбир қатнашчиларида катта таассурот қолдирди. Улар, шунингдек, пойтахтимиз театрларида қўйилаётган спектаклларни бориб кўрдилар.

Ҳаваскор халқ театрлари раҳбарлари ва режиссёрлари малакасини оширишда ёрдам берган ушбу тадбир бугун ўз ишини якунлади.

## ҲУРРИЯТ ОҲАНГЛАРИ

***Аёлга бахт беринг, саодат беринг,***
***Деманг юрибдику, кулиб, жилмайиб.***
***Аёл кулиб туриб ўлиши мумкин,***
***Дунёни олиши мумкин жилмайиб.***

Ўқиганда тезда ёдда қоладиган ушбу сатрлар ўз-ўзидан ҳаёлингга ўрнашиб олади. Ҳа, аёл қалби — алоҳида мамлакат. Эрка гуллар хушбўй бўй таратадилар. Бу мамлакатда турналарнинг товушидан кўкламлар уйғонади. У ерда қиш чоғи қор остида ҳам ғунчалаган атргулни кўришингиз мумкин. Агар ўша мағрур ва қудратли қалб вафосизлик кўрса саратонда совуқдан музлатади сизни, кўзларидаги мунгли саволлари ила пушаймон саҳроларига ташлайди. Истаса қутқаради. Истамаса йўқ. У пайтда у ўзи билан ҳам курашади. Зулфия Мўминованинг «Ёзувчи» нашриётида чоп этилган «Истиқлол — олтин гулим» деб номланган шеърлар тўпламидаги севги сатрларида шу гўзал туйғулар жасоратини кўрасиз.

***Мен қасдма-қасд унутдим сизни,***
***Ялмоғиздан енгилган қирол.***

«Ўз муҳаббати билан олишаётган аёлнинг қатъияти оламда мавжуд жами қатъиятларнинг энг олижанобидир» деган экан Стендал.

Олижанобликни кўнгил ва ақл яратади. У кўнгилни безовчи зумрад гул. Зумрад гул япроқларидаги байтлар гўзаллиги, кўз ёшлар тиниқлигидан ҳайратланасиз.

Тўпламга муҳаррирлик қилган шоира Фарида Бўтаева кириш сўзида шундай ёзади: «Шоир — шамолда шам кўтариб кетаётган кимсадир. У орқасидан эргашиб келаётган, ўзига ўхшаган дардманд кишиларни ҳис этиб яшайди. Уларнинг ишончларини опичлаб, изтиробларини бағрига босиб яшайди. Шоир дилгир эмас экан, халқидан, замонидан тўрт қадам илгари юрмас экан, у шоир эмас, элининг, миллатининг тилмочи эмас. Зулфия — шоира! У куйиб, куюниб ёзади, ёзганига ўхшаб яшайди, яшаганига ўхшаб ёзади. Ватан деганда жонни, жон деганда Ватанни англайди».

Мустақил юртга фуқаролик туйғуси «Истиқлол — олтин гулим» тўпламида барча туйғулардан устундир.

Тўплам ҳақидаги мухтасар сўзимни унинг қуйидаги сатрлари билан якунламоқчиман.

***Истиқлол — олтин гулим,***
***Мен нечун жонимни қизғанай сендан***
***Ўғлимда, қизимда ўсган гулимсан.***
***Ўлимдан қўрқмагай энди Зулфия***
***Сен қолар изимда ўсган гулимсан.***

Аёл қалби нафис булоқларининг жаннати жаранг бериб оқишини тинглмоқ истасангиз Зулфия Мўминованинг «Истиқлол — олтин гулим» тўпламини ўқинг.

**Меҳринисо ҚУРБОНОВА**

*Ўқидик...*

## АЛЮМИН ОҒУСИ

«Миллий тикланиш» газетасининг шу йил 13 апрел сонида эълон қилинган «Алюминжаннат» керакми?» сарлавҳали мақола кўпчиликнинг эътиборини ўзига қаратди. Мақола тагсарлавҳаларининг ўзиёқ муаммонинг нақадар жиддий эканлигини кўрсатиб турибди: «Сариосиёда сут ичишмайди. Узунда узум ейишмайди. Дашнободликлар анордан безиб кетишган...»

Газетамиз саҳифаларида бу мавзу бир неча бор кўтарилганлиги газетхонлар ёдида бўлса керак. Собиқ Шўролар даврида экологик оқибатлари мутлақо ўйланмай қуриб ташланган бу завод, мана неча ўн йиллардирки, Сариосиё, Узун туманлари ҳудудларига катта зарар етказиб келмоқда. Юқорида тилга олинган мақола муаллифи ана шу оқибатларни батафсил тасвирлайди, аччиқ ҳақиқатни жамоатчилик ҳукмига етказади.

Алюмин заводи билан боғлиқ муаммоларнинг нечоғли ташвишли эканлигини кўриш, билиш, сезиш учун Сариосиёга, Узунга бориб аҳвол билан ўз жойида танишмоқ лозим. Бу ерлардаги бир вақтлар шовуллаб турган боғларнинг бугунги аянчли аҳволи, болаларнинг соғлиги, чорвачиликдаги танглик бугун энди ҳеч кимни бефарқ қолдирмаслиги керак.

Яқинда «ЭКОСАН» халқаро хайрия жамғармаси мутахассислари мазкур туманларда бўлиб, экологик аҳволни чуқур ўрганиб қайтдилар. Шу мавзуга бағишланган йиғилишда кўпчилик алюмин заводи етказаётган зарар ва унинг оқибатлари тўғрисида куюниб гапирдилар.

Фикримизча, бу мавзуга бутун жамоатчилик, оммавий ахборот воситалари, мутахассислар эътибор беришлари, аҳволни ўнглаш йўлидаги саъй-ҳаракатларни бирлаштиришлари лозим. Фақат шу йўл билангина муаммони ҳал этиш йўлларини излаб топиш мумкин.

**«ЎзАС»чилар**

# УСТОЗ

Авлодларга илму ҳунар ўргатиб, эл-юрт эъзозига эришган атоқли инсонларни кўпчилик Устоз деб шарафлашади. Чиндан бундай унвонга мушарраф бўлиш ҳар кимга ҳам насиб этавермайди. Узоқ йиллар Тошкент Давлат университетида адабиёт илмидан бир неча авлодга сабоқ берган таниқли адабиётшунос олим, таржимон Озод Шарафиддинов ҳар жиҳатдан бундай мўътабар номга лойиқдир.

Ҳақиқий олимларнинг айтган сўзлари унит бўлмайди, ёзган асарлари эскирмайди. Озод Шарафиддиновнинг илк асари — «Замон, қалб, поэзия» китоби нашр этилганига ўттиз олти йил бўлибди. Бугунги кун адабий жараёнини кузатиб бораётган ўқувчилар баҳс-мунозараларда, адабий-танқидий мақолаларда ушбу китоб тез-тез тилга олиниб турганига гувоҳ бўладилар. Бунинг боиси нимада? Озод Шарафиддиновга хос принципиаллик, теран таҳлил ва муросасиз асосли танқид олимнинг бу асаридаги ҳар бир мақолага хос фазилатлардир. Айни шу фазилатлар 60-йилларнинг бошидаёқ замонавий ўзбек адабиётшунослигининг янгича таҳлил йўналишларини белгилаб олишда, адабий танқидчиликда холислик ва фаолликнинг етакчи тус олишида сезиларли таъсир кўрсатгани ҳам сир эмас.



Устознинг матбуотдаги ҳар бир чиқиши адабий жамоатчиликда яхши маънода гап қўзғар — кўпчиликни мунозарага тортар, ёш шоир ёки ёзувчи ўзининг илк қадамларига Озод Шарафиддиновнинг назари тушишини чинакам омад санарди. Олимнинг «Адабий этюдлар», «Истеъдод жилолари», «Биринчи мўъжиза», «Ҳақиқатга садоқат», кейинги йилларда чоп этилган «Чўлпон», «Чўлпонни англаш» номли китоблари республикамиз адабий ҳаётида ўзига хос воқеалар бўлди. Шўро даврида ўзбек адабиётшунослигида юзага келган мунозарали масалаларда Озод Шарафиддинов доимо прогрессив томондан туриб, ўша давр учун қалтис ҳисобланган масалаларда ҳам адабиётнинг азалий қадриятларини ёқлаб чиқди. Олимнинг журъати, жасорати ва курашчанлиги, айниқса, ёш ижодкорларга куч-қувват, ғайрат бағишларди. Юқорида номлари тилга олинган ва бошқа асарларида Озод Шарафиддинов XX аср ўзбек поэзияси ва прозасининг тараққиёт йўлларини, Чўлпон, Фитрат, Абдулла Қодирий, Абдулла Қаҳҳор, Шайхзода, Ғафур Ғулом, Миртемир, Зулфия, Асқад Мухтор, Саид Аҳмад, Одил Ёқубов, Пиримқул Қодиров каби сўз санъаткорлари ижодини теран таҳлил қилиб берди. Шунингдек, адабиётимизнинг навқирон намоёндаларига айланган Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Ўткир Ҳошимов, Неъмат Аминов каби ўнлаб истеъдодларнинг вояга етишида ҳам Озод Шарафиддиновнинг хизмати бор.

Устоз олимнинг таржима соҳасидаги баракали ижоди ҳам алоҳида эътиборга лойиқ. Ўзбек китобхонлари унинг таржимасида Хўжа Аҳмад Аббоснинг «Ҳиндистон фарзанди», П. Мерименинг «Карл IX салтанатининг йилномаси», А. Рыбаковнинг «Арбат болалари», Қ. Нажмийнинг «Баҳор шабадалари» романларини, Л. Толстой, В. Белинский, Н. Добролюбов мақолаларини, И. Буничнинг «Партиянинг олтинлари» асарларини ўқишга муваффақ бўлишди.

Қисқа муддат ичида адабий жамоатчилик тилига тушиб, маданий ҳаётимизда ўз ўрнини топиб бораётган «Жаҳон адабиёти» журналини ташкил этишда ва унинг самарали фаолият кўрсатишини таъминлашда Озод Шарафиддинов ўз куч-ғайратини аямай сарфлаб келмоқда. «Меҳнат шуҳрати», «Буюк хизматлари учун» орденларига, Беруний номидаги Ўзбекистон Давлат мукофотига сазовор бўлган, «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби» устоз адиб ва атоқли олим Озод Шарафиддинов шу кунларда ўзининг 70 ёшини қаршиламоқда. Кўпминг сонли газетхонлар номидан меҳрибон мураббий, ажойиб инсон, заҳматкаш адабиётшунос Озод Шарафиддиновни қутлуғ 70 ёшлари билан табриклаб, устозга соғлиқ ва ижодий зафарлар тилаймиз.

**Айни кунларда 70 ёшга тўлиши муносабати билан ўтказиладиган тадбирларга тайёргарлик кўриб, банд бўлишига қарамай, Озод Шарафиддинов Покистонда ўзбек ва урду тилларида чоп этилган ёзувчи Дадахон Нурийнинг «Покистон «Олтин девор» тирқишидан» номли китобига ўз муносабатини билдирди. Қуйида сиз Ўзбекистон Дўстлик Жамиятлари Кенгаши катта мажлислар залида бўлиб ўтган шу китоб тақдимотида ўқиб берилган профессор Озод Шарафиддинов сўзи билан танишасиз.**

**ТАҲРИРИЯТ**

***Муҳтарам хонимлар ва жаноблар!***

***Бетоблигим туфайли бу қутлуғ йиғинда шахсан иштирок эта олмаётганимдан таассуфдаман.***

***Дадахон Нурийнинг Исломободда ўзбек ва урду тилларида нашр этилган «Покистон «Олтин девор» тирқишидан» китобининг тақдимоти Ўзбекистоннинг бугунги адабий ҳаётида катта ҳодисадир. Негаки, адабиётлар ҳамиша халқлар ўртасида дўстлик элчиси бўлиб келган. Дадахон Нурий ўз ижодида фидойилик билан шу анъанани давом эттираётган, бу йўлда катта хизматлар қилаётган ўзбек ёзувчисидир. Унинг асари алоҳида китоб бўлиб босилишидан аввал янги ташкил этилган ўзбек журнали — «Жаҳон адабиёти»да эълон қилинди ва ўқувчилар томонидан жуда илиқ кутиб олинди. Мана энди эса у алоҳида китоб сифатида минглаб ўзбек хонадонларига кириб боради. Менга қолса, у шунчаки оддий китоб эмас, балки ўзбек хонадонига экилган бир нав-ниҳолдирки, кўп ўтмай дўстлик боғида тотли ва хушбўй ҳосил беради. Бу китоб нафақат ўзбекнинг бугунги Покистон ҳақидаги тасаввурини бойитади, балки шу муборак ўлкада яшовчи меҳнаткаш ва мушфиқ халққа нисбатан муҳаббат ва эҳтиром туйғуларини ҳам тарбиялайди. Мен бир адабиётшунос сифатида шундай китобнинг дунёга келишида жиндай ҳисса қўшаолганимдан ғоятда мамнунман. Мен бу китобда номим XX асрнинг энг буюк намояндаларидан бири бўлмиш доктор Абдул Қодир Хоннинг номи билан ёнма-ён тургани билан ҳам ифтихор қиламан. Доктор Абдул Қодир Хон бугун мусулмон дунёсининг илмий заковати битмас-туганмас эканини, Шарқ одами бугун ҳам жаҳон фанининг энг юксак чўққиларини забт этишга қодир эканини намойиш этаётган улуғ олимдир. Доктор Абдул Қодир Хоннинг адабиётни чуқур билиши, ғоятда инжа диди ҳам кишини лол қолдиради.***

***Муҳтарам дўстлар!***

***Биз ғоятда мураккаб, ғоятда сершовқин, сермашмаша бир дунёда яшаяпмиз. Баъзан бу дунё меҳваридан чиқиб кетгандек, бир томонга оғиб кетаётгандек туюлади. Ўйлайманки, бундай дунёда омон ҳаёт кечиришнинг бирдан-бир йўли дўстлик ва муҳаббатдир. Шу қутлуғ ишга жиндай бўлса-да ҳисса қўшаолган одам ўзини бахтиёр ҳисоблаши мумкин.***

***Озод ШАРАФИДДИНОВ,***
***профессор***
*9.IV.99 й.*

*Гулчеҳра НУР*

## ПАРВОЗ ФАРЗАНДИ

### Устоз Озод акага

***Сиз — ПАРВОЗ ўғлони, КЎКнинг ўғлони,***
***Кимсиз? — айтиб турар ОЗОД отингиз.***
***Дилга жойлагансиз НУРни — туғрони,***
***ҲАҚИҚАТ — сиз тузган эътиқодингиз.***

***Ҳар кун улкан йўлни босиб ўтар шамс,***
***Бошин силаб юртлар ҳар биттасини.***
***Сиз ҳам ТОНГ бўласиз, шомга қасдма-қасд,***
***Чақнатиб ИСТЕЪДОД харитасини.***

***Шундай тўлғоқли пайт, шундай собир пайт***
***Биз айтар сўзимиз ташвишин еймиз.***
***«Қаҳҳор не деркинлар?» — дер эдик бир пайт,***
***Энди «Озод ака не дерлар?».. — деймиз.***

***Устоз, сизга тақдир — тўлдириб турмак***
***Қуриб қолаёзган РОСТЛИК ҳовузин.***
***Шунданми, эгилмас, чекинмас юрак —***
***Азоблари бўлди узундан-узун.***

***Тийра йўллар аро сийратингиз — ОҚ,***
***Изтироб бунёди — ёруғ хатингиз.***
***Шогирдлар умрида бор бўлсин узоқ***
***ЖАСОРАТ — сиз тузган салтанатингиз...***

## БОТУНИНГ ҚИЗИ

*Ёднома*

***Боту адабиётда чарақлаб ёнган юлдуз эди. Бу юлдузнинг умри қисқа бўлишига қарамай, эл орасида ўчмас из қолдирди. У ҳам Усмон Носир, Чўлпон, Қодирий каби улуғ адиблар қатори қатағон қурбони бўлди. Ундан порлоқ хотира, сермазмун ижод ва яккаю ягона қизи қолди. Тиббиёт фанлари доктори, профессор Наима Маҳмудова бугун 70 ёшда. Тиббиёт оламини илмий янгиликлар билан бойитган олима дадасини шундай хотирлайди.***

**— Дадангиз ҳақида нималар дея оласиз?**

— Дадам тўғрисида бувимдан, онамдан эшитганман, ўзларини кўриш насиб этмаган. Отам Ходиев Маҳмуд — Боту 1904 йил Тошкентда туғилган. Рус—тузем мактабини битириб, Москвада Плеханов номидаги Эконом университетида ўқишни давом эттирган. 14 ёшидан шеърлар ёзган. 20-йилларда шоир сифатида элга танилган. Ёзган шеърларида келажакнинг буюк бўлиши учун ёшлар тинмай ҳаракат қилиши, билим олишлари кераклигини уқтирганлар. 1927-йили Таълим вазирлигининг муовини бўлиб ишлаган, асосан, маданият ишлари билан шуғулланган, Аброр Ҳидоятов, Сора Эшонтўраева, Тамарахоним, Ҳалима Носирова каби халқимиз фахри бўлган санъаткорларни излаб топиб, Москвага ўқишга жўнатган. 1930 йили «халқ душмани» сифатида қамоққа олиниб, 1938 йили отишга ҳукм қилинган. Ҳукм ўша куни ижро этилган. Онамни «халқ душмани»нинг хотини деб 1941 йили қамоққа олишиб, ўн йилга Сибирга сургун қилишган. Бизга дадамни касал бўлиб вафот этган, деб хабар беришган. Кейинчалик ўзим дадамнинг номини оқлаш учун изландим, югурдим-елдим ва ниҳоят, ҳақиқат қарор топди.

**— Сизга ҳам собиқ шўролар даврида «халқ душмани»нинг қизи сифатида тазйиқлар бўлгандир?**

— Икки ёшимда бувим ва бувам қўлида қолдим. Бувим менга ўзбек халқ эртакларидан айтиб берар, араб ва лотин ёзувини ўргатардилар. 1945 йили Тиббиёт олийгоҳига ўқишга кирдим. Ҳеч кимга отам ҳақида чурқ этмасдим. Эшитганлар эса мендан ўзини олиб қочар, ёмон кўз билан қарар эди. 1951 йили ўқишни битиргач, асаб касалликлари кафедрасига ишга олиб қолишмоқчи бўлишди. Бироқ кимдир «халқ душманининг қизи бундай ишга нолойиқ», деб юмалоқ хат ёзган. Шундан сўнг мени Хоразмга ишга юборишди. Бу вақт орасида онам ҳам Сибирдан қайтиб келиб, мен билан бирга кетди.

**— Дадангизга адабиёт соҳасида издош бўлмай, айнан тиббиётни танлаганингизнинг боиси нимада?**

— Дадамнинг ёзган хатларида: «Қизим, одамларга бирон нафинг, ёрдаминг тегмайдиган оддий инсон бўлиб етишишдан қўрқ. Инсон бир-бирининг таянчи, суянчиғи, бир-бирининг ёрдамига муҳтож. Катта бўлганингда қўлингдан келганча инсонларга яхшилик қил», деган сўзлари ҳали-ҳали қулоғим остида жаранглаб туради. Ҳаётга назар солсам, дардкаш инсонлар кўп, уларнинг дардиға даво бўладиганлар керак. Мени уларнинг тақдири, соғлиғи кўпроқ қизиқтирди.

**— Ижод қилишга ҳеч қизиқиб кўрганмисиз?**

— Ҳа, ёшлигимда озмикўпми машқ қилардим. Энди, ижодкор бўлиш учун фавқулодда қобилият, истеъдод кучли бўлиши керак-да.

1958 йили дадам оқланди. Ўшандаги ҳолатим ҳеч ёдимдан чиқмайди. Шунақа хурсанд бўлдим... Сора Эшонтўраева, Зуннунов, Алавий, Тамарахоним, Аброр Ҳидоятов ва дадамни таниган бошқа инсонлардан хотираларини ёзиб олдим. Ҳаммасини тўплаб китоб тайёрлаб, нашр эттирдим.

**— Оилангиз ҳақида...**

— Мен ёлғиз қизман. Хўжайиним Қурбонов Умар ногирон болалар касалхонасининг бош врачи эдилар. 1988 йили вафот этганлар (жойлари жаннатда бўлсин). Ушбу касалхона ҳозир уларнинг номида. Иккита фарзандим, олтита неварам бор. Қизим Дилбар шифокор. Ўғлим Акбар «Ботусервис» фирмаси директори.

**— Оилангизда ижод қиладиганлар борми?**

— Бор, невараларим. Ўзларича бир-бирига эртаклар, ашулалар, шеърлар, латифалар айтишади, бир нималар қоралашади. Менимча, улардан яхши ижодкор чиқса керак.

**— Нафақага чиқиб, уйда невералар билан ҳузур қилиб ўтиргингиз келмайдими?**

— Мақсадим — бор билимимни ёшларга қолдириш. Ҳозирги ёшлар талабчан, билимдон, қобилиятли, изланувчан. Уларга тўғри йўл кўрсатиб турадиган устозлар керак. Уйда ўтирсам ҳам бўлади, бироқ ёшлар билан ишласам ёшараман, улардан ўзим ҳам кўп нарсаларни ўрганаман. Уларнинг дунёқараши замон талабига мос-да.

**Журналист**
**Дилфуза ХЎЖАНОВА**
**суҳбатлашди**

*Турсун МУҲАММАД*

## РУБОИЙЛАР

**Май жомин кўтарди майхўр ютоқиб,**
**Титроқ лабларидан ярмиси оқиб.**
**Аллоҳ меҳри учун шундай ютоқса,**
**Минг ҳизир келарди эшигин қоқиб.**

* * *

**Чарх-ку мезбонхона, масту аластмиз,**
**Иззатпарастмизу оромпарастмиз.**
**Келмасдан аввали билган эдикми?**
**«Меҳмонлуғ тугагач», яна билмасмиз.**

* * *

**Турфа рамзийликлар мантиққа дастдир,**
**Мен каби телбага малҳами дарсдир.**
**Кўрғонда ит ҳурса, тевага не ғам,**
**Сарбон ҳам, менимча, қарздор эмасдир.**

* * *

**Идрок имкониға тўсиқ йўқ азал,**
**Оч ва тўқ жумбоғин этса бўлур ҳал.**
**Ўзбекдин чиқгон у идрокға қаранг,**
**Ҳиндуға тож ўлмиш дилбар «Тожмаҳал».**

* * *

**Оламга савоблар қилгали келдик,**
**Суюк ёр бағрига киргали келдик.**
**Савобу гуноҳли дунёга такрор,**
**Келмоқ керакмикан? — Билгали келдик.**

* * *

**Беғубор об эрур бу чексиз фалак,**
**Булғовчи махлуқот йўқ унда лак-лак.**
**Махлуқсиз бўлсайди денгиз тубидан**
**Кўриниб турарди дури муборак.**

* * *

**Покланиш мавсуми чархга қиш, баҳор,**
**Ёмғири пуркагич, совунидир қор.**
**Покиза дунёга муҳаббат қўйиб,**
**Озиб, тўлаверар ойдек харидор.**

*Мавлон ИКРОМ*



### ХОРАЗМ РАҚҚОСАСИГА

*Азиз дўстлар, ёронлар, бир қизни кўрдим,*
*Хоразм саҳнасида юлдузни кўрдим,*
*Зеболиқда ягона дилфузни кўрдим,*
*Чаман ичра чаманда гул-лола экан,*
*Сайёралар ичинда ҳилола экан.*

*Ул малика наздимда суҳбати жондир,*
*Нозу карашмалари роҳати жондир,*
*Во-оҳ оҳу кўзлари офати жондир,*
*Чаман ичра чаманда гул-лола экан,*
*Сайёралар ичинда ҳилола экан.*

*Исми анинг Малоҳат, хўп сарви қомат,*
*Дилларни этар мафтун, рақси аломат,*
*Мавлон дуо қилғуси тилаб бахт-омад.*
*Чаман ичра чаманда гул-лола экан,*
*Сайёралар ичинда ҳилола экан.*

### ЭР ВА ХОТИН

*Кўп ҳам койийверма аёл зотини,*
*Ҳурмат қил ўзини, дилбар отини.*
*Аёлга яхши бир сўзни айтсанг гар,*
*У сенга ўн яхши сўзни қайтарар.*

*Аёлсиз уй файзсиз — бўм-бўш, ҳувиллар,*
*Гўё бу хонада бўри увиллар.*
*Аёлни эъзозла, бошингга кўтар,*
*Ҳаётинг мазмунли ва тотли ўтар.*

*Велекин, эркаксиз уй ҳам уй эмас,*
*Ҳеч нарса татимас, куй ҳам куй эмас.*
*Эркакли хонадон доим бутундир,*
*Эркак оилада тиргак, устундир!*

*Ўзбекда удум бор, анда кўп ҳикмат:*
*«Қўша қаринглар» деб қилишар ният.*
*Оила хожаси эр бўлса мисол,*
*Хонадон бекаси аёлдир, аёл!*

### АРМОН

*Мен сени севардим, лек мендан қочдинг,*
*Бағрингни менгамас, ўзгага очдинг.*
*У нодон қадрингга етмади, афсус,*
*Умрингни беҳуда совурдинг, сочдинг.*

*Мен сени кафтимда олиб юрардим,*
*Биргаликда ҳаёт завқин сурардим.*
*Вафо биносини қуриб сарбаланд,*
*Умрим сўнгигача сен-ла турардим.*

*Гар билмоқ истасанг: ўтди кунларим*
*Сенинг ёдинг билан, хаёлинг билан.*
*Юлдузли, юлдузсиз узун тунларим*
*Кечдилар бевафо висолинг билан.*

### БИР ОШНАМГА

*Ўлимни ўйласанг —*
*Ўлиб кетасан,*
*Ҳаётни ўйлагин —*
*Яшайсан узоқ.*
*Бировнинг дилини тилиб нетасан,*
*Бу билан ўзингга қўясан тузоқ.*
*Унутма,*
*Бир марта яшашинг бордир,*
*Ёр ҳамда дўст орттир,*
*Олам кез, Ўйна!*
*Ҳасадчи одамга дунё ҳам тордир,*
*Оқил бўл,*
*Танти бўл,*
*Яхши сўз сўйла!*

*Салима ҚИЛИЧЕВА*

## ТАБИАТНИНГ СЕҲРЛИ ИШҚИ



*Нақадар гўзалдир ҳаёт деган ишқ,*
*Гоҳо эркалатиб тутар ширин бахт.*
*Нимадир ўзгарди, нимадир бўлди,*
*Кўкара бошлади мен севган дарахт!*

### *ҒУРУР*

*Қирлар орти яшил наводир,*
*Қирлар орти хушҳаво эрур.*
*Кўнглим — менинг оппоқ тулпорим*
*Қирлар томон талпиниб турур.*

*Мовий осмон, мулойим осмон,*
*Қирлар узра ёмғирлар ёғдир!*
*Хушҳаводан, яшил наводан*
*Тулпоримнинг борлиғи тоғдир.*

*Гўзал замин узра энтикиб,*
*Парвоз этгим келар фалакка,*
*Табиатнинг сеҳрли ишқи.*
*Тортавергач сиғмай юракка.*

*Қирлар орти яшил наводир,*
*Қирлар орти хушҳаво эрур.*
*Шу Ватанда яйраб яшамоқ*
*Менинг учун муқаддас ғурур.*

### *МОМОГУЛДИРАК*

*Гулдирайди,*
*Гулдирайди осмону фалак,*
*Атрофимда чақнади чақин.*
*Нималардан бераяпсан дарак,*
*Момогулдирак, момогулдирак?!*

*Қайдан келар бу сирли овоз,*
*Барча нигоҳ кўкка қадалиб,*
*Апил-тапил тортаяпти сергак,*
*Момогулдирак, момогулдирак.*

*Ташна замин ҳаяжондадир,*
*Чўчимагил, қўрқмагил, деймaн,*
*Бағримда тинч ухлаётган гўдак.*
*Бу қадрдон, бизнинг қадрдон —*
*Момогулдирак, момогулдирак.*

*Гулдирайди,*
*Гулдирайди меҳрибон осмон,*
*Ҳаяжоним ўзимдан ортиқ.*
*Салом берар заминга фалак —*
*Момогулдирак, момогулдирак.*

*Фаришталар сув қуяр бошдан,*
*Сочим ёйиб чиқаман пешвоз.*
*Бахтдан қониб кераман кўкрак —*
*Момогулдирак, момогулдирак.*

*Гулдирайди,*
*Гулдирайди, мавжудот, борлиқ,*
*О, қадрдон, о меҳрибон жон.*
*Хушхабарлар йўллагай фалак —*
*Момогулдирак, момогулдирак.*

### *ҲАЁТ ИШҚИ*

*Энди йиғламайман, тинди кўз ёшлар,*
*Булутлар ортига кўчди армоним.*
*Кимдандир мададлар кутмайман энди,*
*Менга мадад эрур еру осмоним!*

### *НУРОТА*

*Ўркач-ўркач тоғлар бағрига*
*Олиб кетар сўқмоқ йўллар бор.*
*Шу йўллардан кўп бора юрдим,*
*Сўлим ёзу кузу қиш, баҳор.*

*Ҳаяжондан энтикиб қанча*
*Чечаклару гуллар терганман.*
*Оёқларим қонаб кетгунча*
*Тоғ бағрида чопиб юрганман.*

*Ўтлаб юрган қўйлар суруви,*
*Дикирлашган оппоқ улоқлар —*
*Юрагимда мавжланар мангу*
*Тиниқ сувли сирли булоқлар.*

*Осмонларнинг бепоёнлиги*
*Яйловларнинг сеҳри кўзимда.*
*Эслаб она қишлоғим файзин*
*Шод юраман сиғмай ўзимга.*

*Баланд қояларнинг бағрида*
*Хўб тингладим какликлар сасин.*
*Сўзларимдан шунинг-чун доим*
*Келиб турар тоғлар нафаси.*

### *ИҚРОР*

*Ёзган бўлсам ўзимни ёздим,*
*Икки толғин кўзимни ёздим,*
*Аччиқ-аччиқ сўзимни ёздим,*
*Яхшиликни истадим фақат.*

*Севган бўлсам бир сени севдим,*
*Сен ҳам мендай севолсанг девдим,*
*Юзларимни кўз ёшга ювдим,*
*Яхшиликни истадим фақат.*

*Осмонларга суяниб юрдим,*
*Заминларга бағримни бердим,*
*Билиб-билмай ғам гулин тердим,*
*Яхшиликни истадим фақат.*

*Куйган бўлсам ўзимдан куйдим,*
*Одамларни ортиқроқ суйдим,*
*Қисмат юки оғирдир, туйдим,*
*Яхшиликни истадим фақат.*

### *АЖАБ ТУЙҒУ*

*Бағрингда муштми, юрак?*
*Куласан, гоҳ кулмайсан.*
*Борлиғинг ҳам бир мунгли,*
*Айтгин, ахир, сен кимсан?*
*Армонми ё ҳасратми,*
*Юрасан, гоҳ юрмайсан.*
*Ич-ичингда нима бор?*
*Айтгин, ахир, сен кимсан?*
*Нигоҳларинг оловли,*
*Ёнасан, гоҳ ёнмайсан.*
*Сенга ўзи не бўлган,*
*Айтгин, ахир, сен кимсан?*
*Оғриқларинг оғирми?*
*Йиғламайсан, йиғлайсан.*
*Оҳ, сен қандайин ҳиссан,*
*Айта қолгин, сен кимсан?*
*Қуёшга қўл чўзасан,*
*Гоҳ шамол, гоҳо ерсан.*
*Агар тушунган бўлсам,*
*Сен мен излаган шеърсан!*

Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги «Ўзбектеатр» ижодий-ишлаб чиқариш бирлашмаси драматург Ҳайитмат Расулга акаси

**Буважон НОРМЕТОВ**

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Муқимий номидаги Ўзбек давлат мусиқий театри жамоаси театр актёри Ҳамид Тўхтаевга онаси

**Жумагул ая ВОҲИДОВА**

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

